

Шамоилул-Муҳаммадия / РАСУЛУЛЛОХ СОЛЛАЛЛОХУ АЛАЙХИ ВАСАЛЛАМНИНГ КЎРИНИШЛАРИ / 351-ҳадис

351 - حَدَّثَنَا سُفِيَّانُ بْنُ كَعْبٍ، قَالَ: حَدَّثَنَا جُمِيعُ بْنُ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْعِجْلَيِّ، قَالَ: أَتَبَأْنَا رَجُلًا مِنْ بَنِي تَمِيمٍ مِنْ وَلَدِ أَبِي هَالَّةَ زَوْجِ حَدِيجَةَ، وَيُكَنُّنِي أَبَا عَبْدِ اللَّهِ، عَنِ ابْنِ لَأَبِي هَالَّةَ، عَنِ الْحَسَنِ بْنِ عَلَيِّ، قَالَ: قَالَ الْحُسَيْنُ: سَأَلْتُ أَبِي عَنْ سِيرَةِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فِي جُلْسَائِهِ، فَقَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، دَائِمُ الْبَشَرِ، سَهْلُ الْحُلْقِ، لَيْلَ الْجَانِبِ، لَيْسَ بِفَظٍّ وَلَا غَلِيلٍ وَلَا صَحَّابٍ وَلَا فَحَّاشٍ، وَلَا عَيَّابٍ وَلَا مُشَاحٍ، يَتَعَافَّ عَمَّا لَا يَشْتَهِي، وَلَا يُؤْپِسُ مِنْهُ رَاجِيهٍ وَلَا يُخَيِّبُ فِيهِ، قَدْ تَرَكَ نَفْسَهُ مِنْ ثَلَاثٍ: الْمِرَاءَ، وَالإِكْتَارِ، وَمَا لَا يَعْنِيهِ، وَتَرَكَ النَّاسَ مِنْ ثَلَاثٍ: كَانَ لَا يَدْمُ أَحَدًا، وَلَا يَعِيْهُ، وَلَا يَطْلُبُ عَوْرَتَهُ، وَلَا يَتَكَلَّمُ إِلَّا فِيمَا رَجَأَ ثَوَابَهُ، وَإِذَا تَكَلَّمَ أَطْرَقَ جُلْسَاؤُهُ، كَأَنَّمَا عَلَى رُؤُوسِهِمُ الطَّيْرُ، فَإِذَا سَكَتَ تَكَلَّمُوا لَا يَتَنَازَّعُونَ عِنْدَهُ الْحِدِيثَ، وَمَنْ تَكَلَّمَ عِنْدَهُ أَنْصَتُوا لَهُ حَتَّى يَقْرُعَ، حَدِيْثُهُمْ عِنْدُهُ حَدِيْثٌ أَوْلَهُمْ، يَضْحَكُ بِمَا يَضْحَكُونَ مِنْهُ، وَيَسْعَجِبُ بِمَا يَسْعَجُونَ مِنْهُ، وَيَصْبِرُ لِلْعَرِيبِ عَلَى الْجُفْوَةِ فِي مَنْطِقِهِ وَمَسَانِيْهِ، حَتَّى إِنْ كَانَ أَصْحَابُهُ يَسْتَجْلِبُونَهُ، وَيَقُولُ: إِذَا رَأَيْتُمْ طَالِبَ حَاجَةٍ يَطْلُبُهَا فَأَرْفُدوْهُ، وَلَا يَقْبَلُ النَّثَاءَ إِلَّا مِنْ مُكَافِئٍ وَلَا يَقْطَعُ عَلَى أَحَدٍ حَدِيْثَهُ حَتَّى يَجُوزَ فَيَقْطَعُهُ بِنَهْيٍ أَوْ قِيَامٍ

Хусайн розияллоҳу анҳу айтади:

«Отамдан Набий соллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамнишинларига нисабатан сиyrатлари қандай бўлгани ҳақида сўрадим. У киши шундай деди: «Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам доимий очик юзли, кенғфеъл, кечиримли эдилар. Қўпол ҳам, дағал ҳам, бақириб юрувчи ҳам, беҳаё сўзловчи ҳам, танбех берувчи ҳам, айбловчи ҳам, зиқна ҳам эмасдилар. Ёқтиргайдиган ишлар (саҳобалардан содир бўлса), ўзларини биламаганга солар, лекин бошқа умидвор кишини ўша ишдан ноумид қилмас, (у зотни ўзлари ёқтиргмаган нарсага таклиф қилса) унга жавоб

қайтармас эдилар. Уч нарсадан ўзларини тийган эдилар: тортишишдан, кўп гапиришдан ва фойдасиз ишлар билан шуғулланишдан. Одамларга ҳам нисбатан уч нарсадан ўзларини тийган эдилар: ҳеч кимни мазаммат қилмасдилар, бирони айбламасдилар ва камчилигини қидирмасдилар. Фақатгина савоб умид қилинадиган ўринларда гапирадилар. Гапирганларида ўтирганлар жим бўлиб қолар, гўё бошларига қуш қўнгандек бўларди. У зот сукут салаганда саҳобалар гапиришарди. У зотнинг ҳузурларида бирор сўзни талашиб мунозара қилишмасди. У зотнинг олдиларида ким гапирса, гапини тугутгунча ҳамма қулоқ солиб тингларди. У зотнинг ҳузурларида уларнинг суҳбати: биринчи келиб ўтирган гапирав эди. (Яъни бирор мажлиснинг ўртасида келиб, ўзидан ўзи гапириб кетмас эди). У зот улар кулган нарсадан қулар, улар ҳайрон қолган нарсадан ҳайрон қолар эдилар. Бегон кишининг гапи ва саволидаги қўполлигига сабр қиласдилар. Ҳатто саҳобалари бегона кишиларни (савол сўрашлари учун) олиб келишарди. У зот: «Агар бир нарсани излаб юрган муҳтожни кўрсангиз, унга ёрдам беринг», дердилар. Мақтовни қабул қиласдилар, фақат (кўрсатган илтифотларига) миннатдорчилик билдирувчи томонидан айтилса, унда қабул қиласдилар. Биронинг гапини бўлмас эдилар, фақатгина (Ҳақ таолонинг белгилаган) ҳаддидан ошса, уни қайтариқ ёки ўринларидан туриб кетиш билан унинг гапини бўлардилар».

Манба: hadis.islom.uz

